Куч — адолатда

2011 йил,
10 февраль,
пайшанба
№ 6 (312)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.supcourt.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотлари

босқичма-босқич ва изчиллик билан амалга оширилаётир

Истиқлолга эришганимиздан сўнг халқимиз ўз олдига эзгу ва улуғ мақсадлар қўйиб, тинч-осойишта ҳаёт кечириш, ўз куч ва имкониятларига таяниб, ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлини танлади.

Тарихан қисқа давр ичида мамлакатимиз ҳаётида улкан ўзгаришлар рўй берди. Бу йўлда эришаётган ютуқларимиз халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилмоқда. Бир сўз билан айтганда, бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бераётир.

Айниқса, давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган ҳамда бутун дунёда «Ўзбек модели» сифатида тан олинган тараққиёт модели амалда ўзини тўлиқ оқлади. Ушбу моделнинг маъно-мазмуни — иқтисодиётни мафкурадан холи этиш, унинг сиёсатдан устунлигини таъминлаш, давлатнинг бош ислоҳотчи вазифасини бажариши, яъни ислоҳотлар ташаббускори бўлиши ва уларни мувофиқлаштириб бориши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, ислоҳотларни босқичма-босқич амалга оширишдан иборатдир.

Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги **«Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»** номли маърузаси ҳам «Ўзбек модели» сифатида тан олинган мазкур тараққиёт моделида назарда тутилган тамойиллар, хусусан, ислоҳотларни босқичма-босқич ва изчил олиб бориш тамойилига асосланадиган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларни амалга оширишнинг мантиқий давоми бўлди, десак асло хато қилмаймиз.

«Ўзбек модели» деб ном олган мазкур тараққиёт тамойиллари мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳот этиш жараёнларида ҳам алоҳида ўрин тутади. Моделнинг асосий тамойилларидан бири бўлмиш қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлашга кўмаклашиш ҳамда уни мустаҳкамлашда суд ҳокимиятининг аҳамияти беқиёс. Шу мақсадда суд ҳокимиятини босқичма-босқич мустаҳкамлаб бориш, суднинг мустақиллигини таъминлаш, уни инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли муҳофаза этишга хизмат қиладиган том маънодаги мустақил давлат институтига айлантиришга қаратилган кенг кўламли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

(Давоми иккинчи бетда)

9 февраль — Алишер Навоий таваллуд топган кун

Миллий адабиётимизнинг равнақ топишида, халқимиз, айниқса, ёш авлод маънавияти, диди ва дунёқарашини юксалтиришда буюк мутафаккир шоир Алишер Навоий асарларининг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Она тилимизнинг кенг имкониятларини бутун дунёга тараннум этган Навоий ижодида улуғланган инсонпарварлик, эзгулик, саховат, меҳр-мурувват, тинчликсеварлик каби ўлмас ғоялар бугун жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларида ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.

Мангуликка дахлдор шоир

Мамлакатимизда Алишер Навоий таваллудининг 570 йиллиги кенг нишонланмоқда

Шу кунларда бобокалонимиз таваллудининг 570 йиллиги маънавият, адабиёт, шеърият байрами сифатида кенг нишонланаётир. Таълим муассасалари, маҳаллалар, корхона ва ташкилотларда Алишер Навоий ижодига бағишланган адабий-бадиий кечалар, учрашувлар ўтказилаётир.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан бундан йигирма йил муқаддам пойтахтимизда Алишер Навоий номи билан юритилувчи миллий боғ барпо этилди ва улуғ шоирнинг салобатли ҳайкали қад ростлади. Мазкур муаззам боғ ёшлар, пойтахтимиз меҳмонлари ва хорижлик сайёҳлар билан ҳамиша гавжум. Энди оила қураётган келин-куёвларнинг улуғ мутафаккир бобомиз ҳайкали пойига гул қўйиши ҳам юртдошларимизнинг у зотга бўлган эҳтироми ифодасидир.

Президентимиз ташаббуси билан 1991 йил юртимизда Алишер Навоий йили, деб номланди.

Анъанага кўра бу йил ҳам 9 февраль куни ушбу сўлим боғда эрта тонгданоқ Алишер Навоий ғазаллари билан айтилган куй-қўшиқлар янгради. Бу ерга улуғ шоир таваллудининг 570 йиллиги муносабати билан шоирлар, ёзувчилар маданият намояндалари, адабиётшунослар, маънавият тарғиботчилари, Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатасининг депутатлари, турли вазирлик ва идоралар ходимлари, талаба-ёшлар йиғилди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов, навоийшунос олима Суйима Ғаниева истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Алишер Навоий меросини миллий, тарихий, маънавий қадриятларимизни тиклаш, адабий-бадиий ва тарбиявий аҳамиятини намоён этиш жиҳатидан пухта ўрганиш ва талқин этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

(Давоми учинчи бетда)

Дунёда халқлар кўп, мамлакатлар бисёр. Лекин инсоният тамаддунига улкан ҳисса қўшган, буюк маънавият намоёндаларини камолга етказган халқлар кўп эмас. Кишилик жамияти тараққиётига муносиб улуш қўшган етук сиймоларга бешик бўлган она Ватанимизга ана шундай юксак шараф насиб этган.

Сўз мулкининг султони

Она заминимиз кўплаб мутафаккирлар, алломалар, олимлар, адабиёт, санъат, илм-фан намоёндаларини камолга етказган. Сўз мулкининг султони, улуғ мутафаккир Мир Алишер Навоий халқимизнинг ана шундай буюк фарзандларидан биридир.

Манбаларда қайд этилишича, ҳазрат Алишер Навоий ижодининг беқиёс қудрати у ҳаётлигидаёқ эътироф этила бошланган эди. Абдураҳмон Жомий «Ҳафт авранг» асарининг хотимасида Алишер Навоийнинг тенгсиз истеъдоди ва маҳоратига юксак баҳо бериб, у Низомий Ганжавий ва Амир Хусрав Деҳлавий панжасига муносиб панжа ура олди, ҳатто улардан ҳам ўзиб кетди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Yangi qonun mohiyati

Ёшлар — тараққиётимиз таянчи

бу борадаги ҳуқуқий асослар янада такомиллаштирилди

Маълумки, мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири саналади. Шу боис ҳам ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жараёнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг имкониятлар яратилмоқда. Айниқса, ушбу фаолиятга ёшларни жалб қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари мустаҳкамланаётгани соҳа ривожида муҳим ўрин тутади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2010 йил 21 октябрда қабул қилинган ва Сенат томонидан 2010 йил 3 декабрда маъқулланиб, 2010 йил 14 декабрдан эътиборан кучга кирган **«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»**ги қонуннинг бу борадаги аҳамияти беқиёсдир.

Мазкур қонунни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсад — таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришдан иборатдир.

Шу ўринда айтиш жоизки, агар мустақилликнинг дастлабки йилларида кичик бизнес субъектлари республика ялпи ички маҳсулотининг 1,5 фоизини, 2000 йилда 31 фоизини ишлаб чиқарган бўлса, бугунги кунга келиб ушбу кўрсаткич 50 фоиздан ошиб кетди. 2010 йилнинг 9 ойи мобайнида мамлакатимизда янгидан яратилган 785 мингдан зиёд иш ўрнининг 500 мингдан ошиғи кичик бизнес соҳасида ташкил этилди. Айни пайтда иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг 74 фоиздан ортиғи ушбу соҳада фаолият юритмоқда.

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, **бундай натижа, биринчи навбатда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик давлат томонидан доимий равишда қўллаб-қувватланаётгани самарасидир**.

Мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятда ўз ўрнини топиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилаётганлиги ўзининг самарасини бермоқда. Айниқса, Президентимизнинг бир қатор фармон ва қарорлари уларни иш билан таъминлаш, тадбиркорликка жалб этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

(Давоми учинчи бетда)

Тадбиркорлик билан шуғулланиш мамлакатимиз фуқароларининг муҳим конституциявий ҳуқуқларидан биридир. Бу ҳуқуқнинг амалда тўлиқ рўёбга чиқиши учун мамлакатимизда зарур шарт-шароитлар яратилган. Зеро, бу мамлакатимиз иқтисодий сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Qonun ko`magi

Тадбиркорга яратилган эркинлик

унинг самарали фаолият юритиши учун энг муҳим омилдир

Маълумки, адлия идоралари зиммасига тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини бузган ва манфаатларига зиён етказган мансабдар шахсларга нисбатан қонуний чоралар кўрилишини таъминлаш вазифаси ҳам юклатилган. Бу борада соҳа вакиллари аниқ режа асосида фаолият юритмоқда.

Тадбиркорликка оид қонун ҳужжатларининг ижросини доимий равишда ўрганиб бориш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва айбдор шахсларнинг тегишли жавобгарликка тортилишини таъминлаш тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг самарали усулларидан бири ҳисобланади.

Таҳлиллар кўрсатишича, кейинги вақтларда назорат қилувчи идоралар томонидан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида ноқонуний текширишлар ўтказиш ҳолатлари сезиларли даражада камайган. Бироқ бу каби қонунбузилиш ҳолатларидан тамомила қутула олмаяпмиз. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил давомида назорат қилувчи идоралар томонидан 3 та ноқонуний текшириш ўтказилганлиги ва 54 та текширишларни ўтказиш тартиби бузилганлиги ҳолатлари аниқланди.

Масалан, Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасининг 10/649-сонли топшириғига асосан **«Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»**ги қонуннинг ижросини ўрганиш мақсадида Элликқалъа ва Тўрткўл тумани прокуратуралари томонидан берилган топшириқ хатига асосан тумандаги ДСЭНМдан малакали мутахассис ажратиш сўралган.

(Давоми иккинчи бетда)

Мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсишида солиқларнинг алоҳида ўрни бор. Асосий қонунимизда фуқаролар солиқ ва қонун билан белгиланган бошқа тўловларни тўлаши шарт эканлиги қатъий белгилаб қўйилган. Шу боис ҳам ўзининг фуқаролик бурчи ва мажбуриятларига ҳурмат билан қараган кишилар зиммасидаги бу масъулиятга асло бепарволик қилмайди.

Saboq

Солиқ мажбурияти

уни ўз вақтида адо этиш фуқаролик бурчимиздир

Амалдаги Солиқ кодексининг 34-моддасида қайд этилганидек, солиқ тўловчининг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ келадиган мажбурияти солиқ мажбурияти ҳисобланади. Солиқ тўловчи солиқ мажбуриятини бажариш учун, биринчи галда, давлат солиқ хизмати идораларида ҳисобда туриши керак. Солиқ тўловчи солиқ солиш билан боғлиқ объектлар ҳисобини юритиши, молиявий ва солиқ ҳисоботини тузиши ҳамда уни давлат солиқ хизмати идорасига тақдим этиши лозим.

Таассуфки, айрим кишилар лоқайдлик, бепарволикка йўл қўйиб, қоларверса, қонун-қоидаларни писанд этмасдан, солиқларни тўлашни гўё «унутиб» қўйишади. Масалан, Р.Мамадиев ҳам киши билмас тарзда солиқ қонунчилигини бузишга уринди. Аммо ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан унинг қилмишлари ошкор этилди.

(Давоми иккинчи бетда)

Saboq

Солиқ мажбурияти

уни ўз вақтида адо этиш фуқаролик бурчимиздир

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Р.Мамадиев 2008 йилда Наманган шаҳри Давлат солиқ инспекциясидан рўйхатдан ўтиб, «Мужассам қурилиш монтаж» МЧЖни ташкил этади. У ушбу корхона раҳбари сифатида «Наманган иккиламчиқораметал» шўъба корхонаси билан қурилиш материалларини етказиб бериш бўйича шартнома тузади. Шартномада 96.261.650 сўмлик маҳсулот етказиб бериш белгиланади. Буни қарангки, Р.Мамадиев ўзининг манфаатини ҳамма нарсадан устун қўйиб, 96.261.650 сўмлик маҳсулотга қўшимча қиймат солиғи тўловчиси бўлмаган ҳолда 16.133.608 сўмни қўшиб ёзади ва ҳисоботларни бухгалтерияга тақдим этади. Тўғрироғи, раҳбар бош ҳисобчининг имзоси ўрнига ўзи имзо чекиб юборади. Бошқача айтганда, Р.Мамадиев ушбу фаолияти учун тўлаши лозим бўлган 16.133.608 сўм солиқ топширмайди.

Бу қонунга зид қилмиш пинҳон қолмади, албатта. Ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан «Мужассам қурилиш монтаж» МЧЖнинг фаолияти текширувдан ўтказилганда Р.Мамадиевнинг айби фош этилди. Судда солиқ мажбуриятини бажармаган Р.Мамадиевнинг айбига ҳуқуқий баҳо берилди ва қасддан яширилган 16.133.608 сўм давлат солиқ қўмитаси ҳисобига ундирилди.

Ҳа, ҳалол йўл билан топилмаган бойлик ҳеч кимга буюрмайди. Қолаверса, қинғир ишга қўл урган одам бошқалар наздида ҳам бебурд кимсага айланади. Ҳолбуки, солиқ қонунчилиги талабларини бажариш билан ўзимизнинг фуқаролик бурчимизни бажарган, мамлакат иқтисодиёти ривожига ҳиссамизни қўшган бўламиз. Бундай фахрли вазифани адо этиш ўрнига чиркин манфаатни ўйлаш эса соғлом фикрли инсон учун уятдир.

Бекмирза ОЛИМОВ,
жиноят ишлари бўйича Наманган тумани судининг раиси
Икромжон ОРИФЖОНОВ,
«Куч — адолатда» мухбири

Maslahat

Истеъмолчи ҳуқуқи

у қонун билан кафолатланган

«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 14-моддасига мувофиқ, истеъмолчи товарнинг ишлаб чиқаришига, тузилишига, таркибига доир камчиликларни ёки бошқа нуқсонларни аниқлаган тақдирда сотувчи (ишлаб чиқарувчи) уни айнан шундай маркали (моделли, артикулли) товарга етти кунлик муддатда, товар сифатини қўшимча равишда текшириш зарур бўлганида эса, истеъмолчи талаб қўйган пайтдан эътиборан йигирма кун ичида алмаштириб бериши шарт.

Айнан шундай маркали (моделли, артикулли) товар бўлмаган тақдирда, истеъмолчининг алмаштириб бериш хусусидаги талаби даъво қилинган пайтдан эътиборан бир ой ичида қондирилиши керак. Товарлар вақти-вақти билан олиб бориладиган жойларда истеъмолчиларнинг бундай талаби, ушбу жойларга навбатдаги товар етказиб бериш учун кетадиган муддат ичида, лекин икки ойдан кечиктирмай қондирилиши лозим.

Ана шу муддатларни ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сотувчи (ишлаб чиқарувчи) истеъмолчига алмаштирилган товарни бериш билан бир вақтда товар баҳосининг бир фоизи миқдорида неустойка (пеня) тўлайди.

Истеъмолчининг розилиги билан сотувчи нуқсонли товарни бошқа маркали (моделли, артикулли) шундай товарга алмаштириб бериб, харид нархини тегишинча, қайта ҳисоб-китоб қилиши шарт.

Fuqarolik qonunchiligi

Эгасиз мулк

қонунчиликда унга оид қандай меъёрлар мавжуд?

Маълумки, мамлакатимизда хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ҳисобланади ва давлат томонидан ҳимоя қилинади. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда мулкидан маҳрум этилиши мумкин.

Айни пайтда ҳаётда эгаси йўқ мол-мулклар ҳам учрайди. Бундай чоғда эгасиз мулклар тегишли давлат идораси ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг аризасига мувофиқ давлат рўйхатига олувчи идора томонидан ҳисобга олинади.

Бу ўринда шунга эътибор қаратиш керакки, эгасиз мулк сифатида давлат рўйхатига ҳисобга олинган ашёни уч йил ўтгач, давлат мол-мулкини бошқаришга ваколати бўлган орган ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи давлат мулкига ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мулкига киритиш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат этиши мумкин.

Мол-мулк яна бир неча ҳолатларда ҳам эгасиз деб эътироф этилиши мумкин. Чунончи, қонун бўйича ҳам, васиятнома бўйича ҳам меросхўрлар бўлмаса ёки меросхўрлар ворислик ҳуқуқига эга бўлмаса ёхуд уларнинг ҳаммаси меросдан воз кечган бўлса, мерос мол-мулк эгасиз деб ҳисобланади. Бундай мерос мол-мулк мерос очилган жойдаги маҳаллий давлат ҳокимияти органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг аризаси бўйича мерос очилган кундан эътиборан уч йил ўтгач, суд қарори билан эгасиз деб топилади. Мерос мол-мулк, агар уни қўриқлаш ва бошқариш билан боғлиқ харажатлар унинг қийматидан ошиб кетса, кўрсатилган муддат ўтишидан олдин ҳам эгасиз деб топилиши мумкин.

Албатта, бундай тоифадаги ишларни судда кўриш учун муайян тайёргарликлар кўрилиши зарур. Жумладан, мол-мулкни эгасиз деб топиш билан боғлиқ ишларни кўришда мол-мулкнинг кимга тегишли эканлиги тўғрисида маълумот бериши мумкин бўлган шахслар (мол-мулкнинг мулкдорлари, унга амалда эгалик қилиб турганлар, қўшнилар ва бошқалар) аниқланиши, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан мол-мулкка доир мавжуд маълумотлар олиниши керак.

Шу ўринда мол-мулкни эгасиз деб топиш билан боғлиқ айрим ишларга эътибор қаратадиган бўлсак, 2009 йил 30 апрелда Жиззах вилояти Божхона ходимлари томонидан Дўстлик тумани ҳудудида жойлашган «Манас-14» ЙПХ масканида ҳайдовчи Б.Носиров бошқарувида бўлган «Даймлер-Бенс» русумли автобус тўхтатилиб, текширувдан ўтказилганда ҳеч қандай ҳужжатсиз, умумий қиймати 900.000 сўмлик 180 дона телевизор антенналари борлиги аниқланган ва ушбу буюмларнинг эгаси номаълумлиги ҳақида далолатнома тузилган. Мазкур эгасиз қолган ашёлар сақлаш учун Жиззах вилояти Божхона бошқармасига топширилган. Сўнг, орадан қонунда кўрсатилган муддат ўтгач, суднинг ҳал қилув қарори билан бу ашёлар эгасиз мулк деб топилган.

Бундан ташқари 2008 йил 23 октябрда юқорида қайд этилган «Манас-14» ЙПХ масканида О.Раҳимов бошқараётган «Мерседес-Бенс» русумли автобусдан умумий қиймати 7.782.100 сўмлик 116 турдаги 1.238 дона парфюмерия товарлари борлиги аниқланган. Ушбу товарларнинг ҳам эгаси номаълум бўлган ва сақлаш учун Божхона бошқармасига топширилган. Сўнг тегишли муддат ўтгач, эгаси номаълум бўлганлиги сабабли суднинг ҳал қилув қарори билан ушбу ашёлар эгасиз деб топилган.

Мухтасар қилиб айтганда, юқорида сўз юритилган тоифадаги фуқаролик ишларини кўриш жараёнида судлар томонидан мол-мулкларнинг эгаси бор ёки йўқлигини аниқлаш борасида аниқ чоралар кўрилмоқда. Шунингдек, бу жараёнда тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига оид қонун талаблари бузилмаслигига ҳам алоҳида эътибор қаратилаётир.

Б.МАДАМИНОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Жиззах вилояти судининг раиси

Islohot va samara

Суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотлари

босқичма-босқич ва изчиллик билан амалга оширилаётир

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Хусусан, суд тизимининг демократик асосларини ислоҳ қилиш ва янада чуқурлаштириш, суд ишларининг адолатли ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш, фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш ҳамда судларнинг ихтисослашувини амалга ошириш мақсадида зарур чора-тадбирлар амалга оширилди.

Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичидаги энг муҳим йўналишларидан бири — шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир. Дарҳақиқат, судлар томонидан шахс ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг салмоғи юқори эканлигини қайд этиш жоиз.

Янги таҳрирдаги **«Судлар тўғрисида»**ги қонун билан суд ишларини қайта кўришнинг апелляция тартиби жорий этилди ва шунга мувофиқ, жиноят-процессуал, фуқаролик процессуал ва хўжалик процессуал қонунчилигига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Ўз навбатида, кассация инстанцияси ислоҳ қилиниб, суд ишларини қайта кўришнинг апелляция тартиби жорий этилгани фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш кафолатлари жиддий тарзда кучайтирилишига, ушбу кафолатдан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтиришга замин яратди. Хусусан, Фуқаролик процессуал кодексининг 343-моддасига кўра, **суд ишни апелляция тартибида кўриб чиққач, ўз ажрими билан ишни янгидан кўриш учун юбормасдан ҳал қилув қарорини ўзгартиришга ёхуд бутунлай ёки қисман бекор қилишга ва янги ҳал қилув қарори чиқаришга ваколатли бўлиши** белгилаб қўйилди.

Шунингдек, апелляция инстанцияси суди Фуқаролик процессуал кодексининг 314-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда, яъни суд томонидан процессуал ҳуқуқ нормалари бузилганда ёки нотўғри қўлланган-дагина ҳал қилув қарорини бутунлай ёки қисман бекор қилишга ва ишни биринчи инстанция судига янгидан кўриб чиқиш учун юборишга ҳақли бўлиши назарда тутилди. Давлатимиз раҳбари **«Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»** номли маърузасида бу каби амалга оширилган ўзгаришлар биринчи инстанция судлари томонидан йўл қўйилган хатоларни ўз вақтида тузатиш, суд фаолиятида сансалорликка йўл қўймасликнинг муҳим кафолатига айланганлигини алоҳида қайд этиб ўтди. 2000 йилда суд хатоларининг деярли ярми назорат тартибида тузатилган бўлса, 2009 йил якунларига кўра, бундай ҳолатларнинг 85 фоиздан ортиғи апелляция ва кассация тартибида бартараф этилганлигининг ўзи юқоридаги фикрни тўлиқ тасдиқлайди.

Ислоҳотларни босқичма-босқич ва изчил олиб бориш тамойилига асосланган ҳолда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар мамлакатимизда одил судловнинг сифати ва тезкорлигини оширишга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирларнинг изчиллик билан амалга татбиқ этишни тақозо этади. Ўз навбатида, одил судловнинг сифати ва тезкорлигини ошириш жараёнида прокурор ва адвокатнинг тенглигини, фуқаролик ишлари бўйича суд фаолиятининг барча босқичларида ўзаро тортишув бўлишини таъминлаш билан чамбарчас боғлиқ.

Шунингдек, Концепцияда прокуратура фаолиятини ислоҳ қилиш, уни қонунларнинг қатъий ижро этилишини, мамлакатимизда демократик ислоҳотларнинг изчил ривожланишини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайдиган органга айлантириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилгани қайд этилди. 2001 йилда янги таҳрирда қабул қилинган **«Прокуратура тўғрисида»**ги қонунга мувофиқ фуқаролар прокурор назорати объектлари қаторидан чиқарилади, шунингдек, суд қарорлари ижросини тўхтатиб туриш ҳуқуқи прокуратура ваколатлари доирасидан чиқарилди.

Фуқаролик процессуал кодексига судларнинг мустақиллигини таъминлаш, суд ва прокуратура ваколатлари ўртасида мувозанатни ўрнатиш ҳамда суд процессида прокурор билан адвокатнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлашга қаратилган меъёрлар киритилди. Хусусан, прокурор фуқаролик процессида иштирок этар экан, ҳар бир фуқаролик иши юзасидан ёзма ва оғзаки хулоса эмас, балки ўз фикрини баён этиши белгиланди (ФПКнинг 47-моддаси). Шунга мувофиқ равишда Фуқаролик процессуал кодексининг «Прокурорнинг хулосаси» деб номланган 199-моддаси «Прокурорнинг фикри» деб ўзгартирилди. Шунингдек, Фуқаролик процессуал кодексининг 352-моддасида назорат тартибида протест келтириш ваколатига эга бўлган прокурор ва унинг ўринбосарлари суд қарорлари ижросини тўхтатиш ҳуқуқига эга эмасликлари мустаҳкамлаб қўйилди.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ҳозирги кунда суд ҳокимиятини босқичма-босқич мустаҳкамлаб бориш, суднинг мустақиллигини кучайтириш, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш имкониятларини таъминлаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Бироқ, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш биз учун ҳал қилувчи вазифа бўлиб қолмоқда.

Зеро, мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимига оид ислоҳотлар натижасида умумий юрисдикция судларига тааллуқли бўлган фуқаролик, меҳнат, оила, уй-жой ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар салмоғининг ортиб бориши, айни пайтда фуқаро ва ташкилотларнинг ҳуқуқ ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда процесс иштирокчилари ва манфаатдор шахсларнинг одил судлов ҳимоясига бўлган кафолатларини янада кучайтириш, суд тизимининг қонунчилик асосларини демократик ҳуқуқий давлат талабларига мослаштириш, суд ишларининг тўғри ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминловчи процессуал механизмларни такомиллаштиришнинг долзарблигини кўрсатади. Айни йўналишда қўйилган вазифаларнинг изчил ижро этилиши суд-ҳуқуқ соҳасини янада демократлаштириш ва либераллаштиришга хизмат қилади.

Музаффаржон МАМАСИДДИҚОВ,
юридик фанлари доктори

Qonun ko`magi

Тадбиркорга яратилган эркинлик

унинг самарали фаолият юритиши учун энг муҳим омилдир

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Мазкур топшириқ хатига асосан Тўрткўл тумани ДСЭНМнинг буйруғи билан махсус гувоҳномаси бўлмаган врач-эпидемиолог К. Сейтов ва Элликқалъа тумани ДСЭНМнинг буйруғи билан махсус гувоҳномаси бўлмаган санитария врачи Б. Сапаева мазкур қонуннинг ижроси юзасидан мониторинг ўтказиш учун юборилган.

Тўрткўл тумани ДСЭНМ ходими К. Сейтовга тумандаги «Динур» МЧЖга қарашли 4-2-сонли дорихоналарда сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш ҳаракатларини содир этаётган қонунбузилишларни фаол аниқлаш бўйича мониторинг ишларини олиб бориш топширилган. Аммо К. Сейтов бошқа талаблар бўйича мониторинг ўтказган.

ДСЭНМ ходимлари томонидан дорихоналарда **«Хўжалик юритувчи субъектларда текшириш ўтказиш тартиби ва текширишларни рўйхатга олиш китобини юритиш тартиби тўғрисида»**ги Низом, шунингдек, **«Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган, тадбиркорлик субъектлари — юридик шахслар фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисида»**ги Низоми талаблари бузилган.

Мазкур текшириш натижасига кўра, Элликқалъа тумани ДСЭНМнинг Х. Алимбаевага нисбатан 226.075 сўм жарима қўллаш ҳақидаги, Тўрткўл тумани ДСЭНМнинг Т. Ботировга 45.215 сўм, А. Курдашовага нисбатан эса 226.075 сўм жарима қўллаш тўғрисидаги қарорлари чиқарилган.

Аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиб, ноқонуний қабул қилинган қарорларни бекор қилиш юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси ДСЭНМга киритилган тақдимномага асосан мазкур қарорлар бекор қилиниб, К. Сеитов ва Б. Сапаевага ҳайфсан эълон қилинди.

Хулоса қилиб айтганда, тадбиркор эркин фаолият юритсагина элнинг мададкори бўлади. Бу мақсадга эришиш бир томондан, давлат идоралари, уларда фаолият юритаётган ходимларга, иккинчи томондан, тадбиркорга фақат қонун асосида фаолият юритиш каби вазифаларни юклайди. Бу вазифалар ҳар бир тадбиркор ва ҳар бир давлат идораси ходимининг фаолияти даврида асосий мезон бўлиб ҳисобланмоғи лозим.

Е.ТУРДАКОВ
Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигининг масъул ходими

Jinoyat va jazo

Масъул шахснинг

Маълумки, ҳар бир жамоа фаолиятида раҳбарнинг катта ўрни бор. Иқтидори ва қобилиятини амалда кўрсата биладиган раҳбар жамоанинг нуфузи ошишига катта ҳисса қўшиши шубҳасиз.

Замонавий раҳбар деганда ўзи бош бўлган жамоани бирлаштириш, ўзаро аҳиллик, самимийликни қарор топтириш ва соғлом муҳитни яратишга қодир кишини тушунамиз. Яъни у ўз соҳасининг билимдони бўлишдан ташқари сиёсий-иқтисодий билимларни ҳам эгаллаган, юксак ахлоқ ва маданият соҳиби бўлмоғи, холис ҳамда очиққўнгиллик билан иш тутмоғи зарур.

Афсуски, гуруч курмаксиз бўлмагани сингари, ҳаётда фуқаролар ишончига путур етказувчи тамагирлик жиноятини содир этадиган кимсалар, оз бўлса-да, учраб туради. Жиззах тумани касб-ҳунар коллежларидан бирининг директори А. Алиевнинг қилмишини (исм-фамилиялар ўзгартирилган) бунга мисол тариқасида кўрсатиш мумкин. У масъул мансабдор шахс лавозимида ишлаб келиб, ўзининг хизмат мавқеини суиистеъмол этади.

Аниқроғи, А.Алиев ишга кириш учун ариза берган Т. Умаровга тамагирлик қилади. Директор ўзининг «хавфсиз»лигини таъминлаш учун антиқа йўл тутади. Яъни порани ўз қўли билан олишни истамайди, балки директор жамғармасидан ажратилган рағбатлантириш пулини тарқатиш пайтида Т.Умаров номига ёзилган пулни бермай қўя қолади.

Аммо унинг нафси бу билан ҳам қонмайди. У Т. Умаровдан яна 250 минг сўм талаб қилади. Т.Умаров эса тоқати-тоқ бўлиб ҳуқуқ-тартибот идораларига мурожаат этади. Натижада А.Алиев хизмат хонасида пора олаётган вақтда ушланади.

Бошқа бир ҳолатда мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари вазифасида ишлаб юрган Р.Амиров туман халқ таълими бўлими мудири А.Раҳимовга бирор мактабга директорликка тайинлашни сўраб мурожаат қилади.

Қарангки, унинг А. Раҳимов сўровидан «унумли» фойдаланиб қолмоқчи бўлади. Шу мақсадда у Р. Умировга «Сизни 8-ўрта мактабга директор қилиб тайинлайман. Бунинг озгина хизмати бор, шуни бажарасиз», деб шама қилади. Унинг «озгина хизмати» эса 1500 АҚШ доллари бўлиб чиқади. Қисқаси, А.Раҳимов Р. Амировдан 1000 АҚШ долларини пора тариқасида олаётган пайтда қўлга тушади.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, мамлакатимиз қонунчилигида пора олганлик, пора берганлик, пора олиш-беришда воситачилик қилганлик учун жиноий жавобгарлик белгилаб қўйилган.

Yangi qonun mohiyati

Ёшлар — тараққиётимиз таянчи

бу борадаги ҳуқуқий асослар янада такомиллаштирилди

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Чунончи, **«Баркамол авлод йили»** Давлат дастурида ёшлар учун 2010 йилда камида 520 мингта янги иш ўрни ташкил этиш белгиланган бўлиб, бугунги кунда ушбу вазифа изчиллик билан рўёбга чиқарилмоқда.

Шунингдек, Дастурга мувофиқ, ҳар бир вилоятда ишлаётган, зарур муҳандислик коммуникацияларига, коммунал ва йўл инфратузилмасига эга бўлган корхоналарнинг ҳудудлари ва майдонларида тижорат банклари маблағлари ҳисобига биттадан индустриал парк ташкил этиш, кейинчалик ишлаб чиқариш майдонларини зарур кадастр ҳужжатларини расмийлаштирган ҳолда, тижорат асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига сотиш ишлари ҳам амалга оширилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, қўшимча иш жойларини барпо этиш имкониятларини яратмоқда.

Маълумки, 2010 йил 28 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг **«Таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги Фармони қабул қилинди. Ушбу Фармоннинг 1-бандига мувофиқ, микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасалари битирувчилари билан меҳнат шартномалари тузилганда, банд ходимларнинг ўртача йиллик сони қонун ҳужжатларида белгиланган чекланган нормативдан кўпи билан 20 фоиз оширилган ҳолларда, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун назарда тутилган имтиёзлар, кафолатлар ва ҳуқуқлар уларда сақланиб қолиши белгиланган. Бунда ходимлар сонининг оширилишига Ўзбекистон Республикаси касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасалари битирувчиларининг ўқишни якунлаган кунидан бошлаб 3 йилдан ортиқ вақт ўтмаган тақдирда йўл қўйилади.



Шу ўринда ёшларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш бўйича ташаббускорлиги йилдан-йилга ошиб бораётганлигини, хусусан, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази тизимида 2008 — 2009 ўқув йилида 77 минг 719 нафар битирувчининг 23,3 фоизи, 2009 — 2010 ўқув йилида 92 минг 691 нафар ёки жами ишга жойлашганларнинг 33,3 фоизи кичик корхоналар ва микрофирмаларга ишга жойлашгани бунинг ёрқин далилидир. Бунинг натижасида 2010 йилда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида 2010 йил 28 июлдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг **«Таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги Фармони асосида 23 мингга яқин битирувчи микрофирма ва кичик корхоналарга ишга жойлашган бўлиб, ушбу корхоналарда белгиланган меъёрдаги ишловчилар сони Фармонда кўрсатилган фоизлардан ошмаган ҳолда ушбу кичик корхоналарга берилган имтиёзлар сақлаб қолинган.

Статистик таҳлилларга кўра, мамлакатимизда 155 мингдан зиёд микрофирма ва кичик корхоналар фаолият юритмоқда. Айни пайтда ушбу микрофирма ва кичик корхоналар томонидан 2010 — 2011 йилларда 60 миллиард сўмдан ортиқ миқдордаги имтиёз ва преференцияларнинг сақланиб қолиши уларнинг олий ва ўрта махсус таълим тизимини битирувчи ёшларни ишга қабул қилишдан манфаатдорлигини ошириб, янги иш ўринларини яратишни рағбатлантиради.

Кичик тадбиркорлик субъектларининг тармоқлар бўйича ўртача йиллик сони амалдаги **«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»**ги қонуннинг 5-моддасида ва унинг батафсил туркумланиши Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 октябрда қабул қилинган **«Кичик тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар классификациясини тасдиқлаш тўғрисида»**ги қарори билан белгиланган.

Маълумки, **«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»**ги қонуннинг 5-моддасида кичик тадбиркорлик субъектлари ҳақидаги меъёрлар ўз ифодасини топган.

Қонун ҳужжатларини ўзаро мувофиқлаштириш мақсадида **«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»**ги қонуннинг 5-моддасини такомиллаштиришни назарда тутган ҳолда тегишли қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддаси бешинчи қисмига биноан, микрофирма ва кичик корхона ходимларнинг белгиланган ўртача йиллик сонини ошириб юборган тақдирда, ошириб юборишга йўл қўйилган давр учун ва кейинги уч ойга улар қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар, кафолатлар ва ҳуқуқлардан маҳрум этилади. Ушбу қоида қуйидаги ҳолларда татбиқ этилмайди: микрофирма ва кичик корхона Ўзбекистон Республикаси касб-ҳунар коллежлари, академик лицейларининг ҳамда олий таълим муассасаларининг битирувчилари билан меҳнат шартномалари тузганда, банд бўлган ходимларнинг белгиланган ўртача йиллик сони кўпи билан 20 фоиз оширилганда. Ходимлар сонининг оширилишига Ўзбекистон Республикаси касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларининг ўқишни тугаллаган кундан бошлаб уч йилдан ортиқ вақт ўтмаган тақдирда йўл қўйилади; кичик корхона ўз уйида ишлаётган фуқаролар (касаначилар) билан меҳнат шартномалари тузганда, банд бўлган ходимларнинг белгиланган ўртача йиллик сони кўпи билан 30 фоизга оширилганда.

Қонунга киритилган бу ўзгартишлар Халқаро меҳнат ташкилоти Бош конференциясининг 83-сессиясида (Женева, 1996 йил 20 июнь) қабул қилинган «Касаначилик тўғрисидаги 177- Конвенция» талабларига ҳам мос келади.

Мамлакатимиз аҳолисининг 64 фоизини ёшлар ташкил этишини инобатга олсак, уларни кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятига жалб этишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этилаётганлиги бу борада давлатнинг бош ислоҳотчи сифатида изчил сиёсат олиб бораётганлигидан далолат беради. Ёшларни кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятига жалб этишнинг рағбатлантирувчи механизмлари уларни иш билан банд этишнинг энг тўғри ва оқилона йўли ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизни модернизация қилиш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш шароитида тадбиркорлик фаолиятининг давлат томонидан қўллаб-қувватланаётганлиги, хусусий мулкдорлар ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимояси таъминланаётганлиги, жамиятда тадбиркорлик руҳини қарор топтириш баробарида ёшлар, айниқса, таълим муассасалари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун барча шароит ва кафолатлар яратилаётганлиги мустақил демократик тараққиётга эришишнинг муҳим гарови ҳисобланади.

Шуҳрат РЎЗИНАЗАРОВ,
юридик фанлари доктори

9 февраль — Алишер Навоий таваллуд топган кун

Мангуликка дахлдор шоир

Мамлакатимизда Алишер Навоий таваллудининг 570 йиллиги кенг нишонланмоқда

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бу жараёнда улуғ бобомиз тараннум этган эзгу ғоялар мазмун-моҳиятини халқимиз, айниқса, ёшлар қалбига чуқур сингдиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Миллий ўзликни англаш, халқимиз маънавиятини юксалтириш, жамиятимизда бағрикенглик, аҳиллик, ўзаро ҳурмат муҳитини мустаҳкамлашда, энг муҳими, ёшларни ҳар жиҳатдан баркамол инсонлар этиб воя-га етказишда бу катта аҳамият касб этмоқда.

Истиқлол йилларида Алишер Навоий асарларининг йигирма жилдли мукаммал тўплами чоп этилди. Ушбу академик нашр Навоийнинг барча асарларини батафсил шарҳлар ва изоҳлар билан китобхонларга етказишга хизмат қилмоқда. Шоир ижодини фундаментал ва амалий тадқиқотларда атрофлича ўрганиш билан бирга, унинг ҳаёти, давлат арбоби сифатидаги фаолияти, фалсафий, илмий-маърифий қарашларини акс эттирувчи кўплаб асарлар нашр этилди ва бу хайрли иш изчил давом этмоқда.

Бугун Алишер Навоий асарлари дунёнинг кўплаб мамлакатларида таржима қилинмоқда, катта қизиқиш билан ўрганилаётир. Буларнинг барчаси шоир даҳосига жаҳон аҳлининг юксак эҳтироми, миллий маънавий меросимизнинг кенг эътирофидир.

Тадбирда академик Н.Конраднинг Алишер Навоий ҳақидаги фикрлари ўқиб эшиттирилди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Раъно Ярашева шоир асарларидан намуналар ўқиди. "Ниҳол" мукофоти совриндори Илёс Арабов Навоий ғазаллари билан айтилувчи мумтоз қўшиқлардан намуналар ижро этди.

Маросим иштирокчилари Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйдилар.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Бош вазир ўринбосари А.Арипов иштирок этди.

* * *

Шу куни пойтахтимиздаги Шоирлар хиёбонида Алишер Навоий ижодига бағишланган мушоира бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон халқ шоири, Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Сирожиддин Саййид, навоийшунос олим Азиз Қаюмов буюк шоир улуғлаган эзгу ғоялар ёшлар тарбияси, маънавияти ва камолотида муҳим ўрин тутишини таъкидлади.

Алишер Навоийнинг ижодий меросига бағишланган маънавий-маърифий тадбирлар, навоийхонлик кечалари, мушоиралар, илмий анжуманлар Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда давом этмоқда.

ЎзА

Muloqot

Газетхон савол беради...

— Яқинда бошқа шаҳарга ишга ўтдим. Қатнаб ишлашнинг имкони йўқ. У ерда уйим бўлмагани учун оилам билан ижарада турмоқчимиз. Айтинг-чи, тураржойнинг ижара шартномаси қанча муддатга тузилади?

Д. ҚИЁМОВ,
Косон тумани

— Уй-жой кодексининг 36- моддасига мувофиқ, муниципал, идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларидаги тураржойни ижарага бериш шартномаси беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга тузилади. Агар шартномада муддат кўрсатилмаган бўлса, у беш йилга тузилган деб ҳисобланади.

Бир йилгача муддатга тузилган тураржойни ижарага бериш (қисқа муддатли ижара) шартномасига нисбатан Фуқаролик кодекси қоидалари қўлланилади.

Янги муддатга шартнома тузишда ижарага олувчи имтиёзли ҳуқуққа эга бўлади.

Ижарага берувчи томонидан эътироз бўлмаган тақдирда, ижарага олувчи шартнома муддати тугаганидан кейин ҳам тураржойдан фойдаланишни давом эттирса, шартнома аввалги шартларда қайта тузилган деб ҳисобланади.

Давлат уй-жой фондидан ижарага берувчи, агар тураржойни ижарага бермасликка қарор қилган бўлса, бу ҳақда ижарага олувчини камида бир йил олдин хабардор этиб, янги муддатга шартнома тузишдан воз кечиши мумкин, аниқ мақсадли коммунал уй-жой фонди бундан мустасно.

— Мен кўп қаватли уйда истиқомат қиламан. Яқинда ярим тунда тўсатдан эшитилган шовқиндан уйғониб кетдим. Қарасам, қўшниларимиздан бири мусиқани баланд қилиб қўйибди. Эртасига унга тушунтирдим, бошқаларга халақит бераётганини айтдим. Аммо бу нохуш ҳолат яна такрорланмоқда. Айтинг-чи, бундай вазиятда мен қаерга мурожаат қилишим керак?

В. ТУРОПОВ,
Навоий шаҳри

— Албатта, фуқаролар ҳуқуқларини амалга ошириш чоғида бошқаларнинг манфаатларига путур етказмасликлари лозим. Бу қоида Конституциямизда ҳам белгилаб қўйилган. Қўшнингиз Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 192-моддасида кўрсатилган **«Маиший шовқинга қарши кураш талабларини бузиш»** ҳуқуқбузарлигини содир этган. **«Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»**ги қонунга асосан, ўзингиз яшаб турган ҳудудга хизмат кўрсатувчи милиция таянч пункти профилактика инспекторига, агарда ушбу таянч пункти тунги хизматда бўлмаса, ўзингиз яшаб турган Ички ишлар идорасига оғзаки ёки ёзма равишда мурожаат қилсангиз, улар тегишлича чора кўради.

Саволларга Наманган вилояти «Solidarity» Адвокатлар ҳайъати адвокати Н.ЗОҲИДОВА жавоб берди

Qilmish-qidirmish

Миси чиққан уйдирма

«Туҳмат балосидан асрасин», дейди кўпни кўрган кексаларимиз. Ҳақиқатан ҳам, аслида ғараз ниятда ўч олиш, кўролмаслик замирида туғиладиган туҳмат тоши нишонига дуч келган кишининг кўнгил шишаси чилпарчин бўлади. Қалбда тузалмас жароҳат қолдиради.

Ҳатто бундай уйдирмалар оилавий ажрашишга, фарзандларнинг ота ёки она меҳридан мосуво бўлиб қолишига сабаб бўлиши ҳам мумкин.

Шу боис бундай иллатларга қарши курашиш, унинг олдини олиш зарур. Бунда суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар самараси ўлароқ фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қиладиган ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик чоралари кейинги йилларда янада кучайтирилгани муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 40-моддасида **«Туҳмат, яъни била туриб ёлғон, бошқа бир шахсни шарманда қилувчи уйдирмаларни тарқатиш — энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»**, деб белгиланган.

2005 йилнинг 28 декабрида мазкур кодекснинг ушбу моддасига ўзгартиш киритилиб, у 2005 йилнинг 30 декабридан кучга кирди. Туҳматчига бошқа бир шахсни шарманда қилувчи уйдирма тарқатгани учун энг кам иш ҳақининг йигирма бараваридан олтмиш бараваригача миқдорда жарима жазоси қўлланиладиган бўлди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Jinoyatga jazo muqarrar

Инсон ҳаётда яхши хулқ-атвори, эзгу амаллари билан обрў-эътибор топади. Чунончи, ҳалоллик, поқдомонлик, бировнинг ҳақидан ҳазар қилиш сингари хислатлар кишининг номини улуғлайди.

Ҳалоллик инсон умрини безайди

қинғирлик эса...

Суд очерки

Халқимиз ҳамиша "Ҳалолнинг нони ширин", "Бировга чоҳ қазисанг, унга ўзинг тушасан", "Тўғри ниятли киши етар муродга, эгри ниятли киши қолар уятга" сингари ҳикматлари билан инсон ҳаётда маънавий, ахлоқий мезонларга таяниб яшагандагина адашмаслиги, аксинча, эгрилик, қинғирликнинг, албатта, жазоси борлигини уқтириб келган.

Бироқ ҳаётда қирғиғ йўл билан бўлса ҳам осон кун кечиришни кўзлайдиган кимсалар ҳам борки, уларнинг қилмишларини эшитган киши таажжубга тушмай қолмайди. Қуйида шундай кимсаларнинг қилмиши ҳақида фикр юритамиз.

...Ҳаммаси 2007 йилнинг ноябрь ойи ўрталарида бошланди. У.Ботиров (мақолада келтирилган исм-фамилиялар ўзгартирилган) ўзига тегишли дўконга кирганида ёрдамчиси Қиёмиддиннинг полвонсифат бир йигит билан гаплашиб ўтирганига кўзи тушди.

«Ҳа, бирон-бир таниши келгандир-да», дея у бунга ортиқ эътибор бермай, ишларига уннади. Бироқ ҳалиги нотаниш йигит туйқусдан унга ҳам гап қотиб қолди. У ўзини Қилич Бердиев деб таништирди. Қилич бир неча оғиз гапиданоқ Усмон акада нохуш таассурот қолдирди. Чунки у беандишалик билан ўзининг спортда жаҳон чемпиони эканлигини ботбот такрорлар, казо-казо одамлар таниши эканини писанда қиларди.

(Давоми тўртинчи бетда)

ваколати

жамоанинг манфаатларига хизмат қилмоғи даркор

Жумладан, пора олганлик учун жавобгарликка корхона, ташкилот ва муассасаларда мансабдорлик вазифаларида ишловчи шахслар тортилади. Чунки масъул мансабдор шахс Жиноят кодексининг саккизинчи бўлимида қайд этилганидек, давлат корхонаси, муассасаси, ташкилотларида масъул лавозимни эгаллаб турган бўлиб, у юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни бажаришга ваколатли ҳисобланади.

Ваколатли шахснинг мансабдорлик лавозими, хизмат мавқеидан фойдаланиб, моддий наф кўриш мақсадида тамагирлик қилиши порахўрлик жиноятининг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Олий суд Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги «Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорида бу турдаги жиноят ишларини кўришда, адолатли ҳукм чиқаришда судьяларга раҳбарий тушунтириш берилган. Хусусан, мазкур қарорнинг 12-бандида «Пора олишда айбланаётган мансабдор шахснинг масъуллик ҳолати масаласи суд томонидан ушбу шахснинг эгаллаб турган лавозими, амалга ошираётган хизмат амаллари ва вазифаларининг аҳамияти, зиммаларига юклатилган ҳуқуқ ва ваколатлари, шунингдек, айбдор ишлаётган ташкилотнинг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда ҳал этилиши лозим», дейилади.

Ҳаётда яхши ном қолдириш учун, биринчи навбатда, ҳалол кун кечириш лозим. Шу маънода хизмат ваколатларидан қонуний тарзда, жамоа манфаатларини кўзлаб, ҳалоллик билан фойдаланадиган раҳбар обрў-эътибор қозонади. Қолаверса, ўзига ишониб топширилган вазифани ақл-идрок, кенгфеъллик билан сидқидилдан бажарадиган, ишчанлик фазилатларига эга раҳбар бош бўлган жамоада ютуқлар ҳам кўпаяди. Қисқа қилиб айтганда, Соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг «Миллат дардига дармон бўлиш — вазифангиздур» деган пурмаъно ўгитларини унутмаслик керак. Зеро, бу ҳикмат ваколатли шахс зиммасида эл-юрт корига яраш-дек масъулият ва мажбурият борлигини эслатиб туради.

Мўмин ШУКУРУЛЛАЕВ,
жиноят ишлари бўйича Жиззах вилояти судининг раиси

9 февраль — Алишер Навоий таваллуд топган кун

Сўз мулкининг султони

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Яхшиямки, у асарларини туркийда яратди, агарда форсийда қалам тебратганида борми, бошқаларга бу майдонда жавлон уруш учун мажол қолмас эди, деб ёзади.

— Алишер Навоийни ана шундай юксакликка олиб чиққан куч — асарларининг юксак бадиийлигидир, — **дейди адабиётшунос олим, филология фанлари номзоди Эргаш Очилов**. — Шоир шеърлари нафақат мазмунининг чуқурлиги, фалсафасининг теранлиги, балки шаклан гўзаллиги, бадиий санъатларга бойлиги, ҳассос руҳи ва ёқимли оҳанги билан ҳам кишини ўзига тортади. Алишер Навоий ўзбек тилини фақат улуғлабгина қолмай, бу тилни, ўзбек адабиётини, бадиий сўзни юксак чўққига кўтарди.

Шарқ шеъриятида матлаъни гўзал бошлашга ҳамиша жиддий эътибор бериб келинган. Алишер Навоийнинг "Чор девон"идан ўрин олган айрим байтлар эса бу санъатни янада жилолантирган:

Ҳусни ортар юзда зулфин анбарафшон айлагач,
Шамъ равшанроқ бўлур торин паришон айлагач.

Шамъ шундай ҳам ёниб, ёруғлик таратади, лекин пилиги толаларини ёзиб юборса, унинг ёруғлиги кучаяди ва кенгроқ сатҳни ёритади. Шунга ўхшаб, маҳбубанинг сочи шундай ҳам ҳуснига ҳусн қўшади, шундай ҳам ундан муаттар ҳид таралади, лекин ёзиб юборса, ҳам ҳиди гуркираб кетади, ҳам чиройи янада очилади...

Алишер Навоий ташбеҳлари ҳамиша ўзининг ҳаётийлиги билан ажралиб туради. Шоир теварак-атрофдаги ҳамма кўриб, лекин ҳеч ким эътибор бермайдиган нарса-ҳодисалардан ўз фикрини гўзал ва таъсирчан шаклда ифодалаш учун фавқулодда ажойиб ва оҳорли қиёслар, ўхшатишлар топади.

Ана шундай бебаҳо жавоҳирларга тўла Алишер Навоий ижодиёти беш асрдан ошсада, инсоният камолотига хизмат қилиб келмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли маънавий-маърифий ислоҳотлар жараёнида ана шундай бемисл ижодий мерос қолдирган аллома бобомизнинг барҳаёт меросини асраб-авайлаш, унинг ижодини теран идрок этишга интилиш ва эътибор тобора кучаймоқда.

Бу борада амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар натижасида улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг ҳаёти, ижоди ва фаолиятини чуқур ўрганиш, алломанинг асарларида ўз ифодасини топган умуминсоний ғояларни изчил тарғиб-ташвиқ этиш ва ёшларимизнинг онг-шуурига чуқур сингдиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Олимларимиз томонидан ушбу йўналишда амалга оширилаётган изчил тадқиқотлар натижасида алломанинг йигирма жилдли мукаммал асарлар тўплами чоп этилди. Шоирнинг табаррук хотирасига эҳтиром рамзи сифатида ватанимизда ва бир қатор хорижий юртларда Алишер Навоийнинг ҳайкаллари қад ростлади. Юртимизда шоир туғилган кунни кенг тантана қилиш, ушбу сана муносабати билан таълим масканлари, маънавият-маърифат даргоҳларида навоийхонлик тадбирларини ўтказиш анъанага айланди.

Мутафаккир бобомизнинг ижодий меросига юртимизда ва хорижда қизиқиш тобора кучайиб бораётир. Унинг асарлари турли хорижий тилларга таржима қилинмоқда.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида шоирнинг адабий ва илмий меросини ўрганишга бағишланган илмий анжуманлар ўтказиш мунтазам йўлга қўйилган.

Куни кеча ана шундай тадбирнинг 55-йиғилиши бўлиб ўтди. Тадбирда адабиётшунос, навоийшунос олимлар, ёш тадқиқотчилар, ёзувчи-шоирлар, журналистлар ва мумтоз адабиётимизнинг ихлосмандлари иштирок этди.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти С. Ғуломов, Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти директори Н.Маҳмудов, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири А.Орипов, адабиётшунос олимлар С.Ғаниева, И.Ҳаққулов ва бошқалар тадбирда сўзга чиқиб, мустақиллик йилларида Президентимиз ташаббуси билан маънавий қадриятларимизни қайта тиклаш, жаҳон миқёсида кенг намойиш этиш, буюк алломаларимизнинг меросини асл ҳолича тадқиқ этиш ишларига давлат миқёсида эътибор қаратилаётгани ўз натижасини бераётганини қайд этдилар.

Бундай тадбирлар халқимизнинг миллий ўзлигини англаш туйғусини кучайтириш, ёшлар онги-шуурида бой ўтмишимизга эҳтиром ва келажакка бўлган ишончни мустаҳкамлаш, навқирон авлодни мустақил Ватанимизнинг муносиб фарзандлари этиб тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Айни пайтда олимларимиз бундай ишлар салмоғини янада кенгайтириш, маънавий-маърифий ва илмий ишлар кўламини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқдалар.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти илмий котиби Раҳматилла Баракаевнинг айтишича, мазкур илмий даргоҳда амалга оширилаётган тадқиқотларнинг салмоқли қисми Алишер Навоийнинг барҳаёт меросини кенг тадқиқ этишга йўналтирилаётир. Бу изланишлар навоийшунослик, шоир асарларини ва уларга бағишланган луғатларни нашрга тайёрлаш йўналишларида олиб борилаётир. Бундай тадқиқотлар натижасида ўтган йил ҳам бир қатор янги нашрлар мумтоз адабиёт ихлосмандларига тақдим этилди. Алишер Навоийнинг қасидалари, мактаб ўқувчилари учун яратилган "Мумтоз адабий асарлар луғати" шулар жумласидандир.

Айни пайтда олим ва мутахасисларимиз Алишер Навоий асарларининг луғатини яратиш устидаги изланишларни давом эттирмоқдалар. Алишер Навоийнинг адабий ва илмий меросини ўрганишга бағишланган илмий анжуман бу соҳадаги илмий-ижодий ишларни таҳлил этиш ва галдаги вазифаларни белгилашда ўз самараларини бераётир.

Олимларимиз Алишер Навоий меросини юксак тоққа қиёслашади. Унга қўл чўзилгани сайин тоғ йироқлашиб, юксалиб бораверади. Унга интилган инсон ҳам жисмонан ўсиб-улғайиб, маънан такомиллашаверади. Шу тахлит буюк мутафаккир Алишер Навоий мероси неча-неча авлодларни камолотга, комилликка етказади.

Баҳор ХИДИРОВА,
журналист

Sirli dunyo

Инсон ва тақдир

ёхуд табиатнинг ғаройиб ҳодисалари

КЎНГИЛ СЕЗГИСИ

Дунёда ўтган жуда кўп машҳур шахслар рўй берган воқеаларни, айниқса, кўнгилсиз ҳодисаларни олдиндан сезишган.

Иккинчи жаҳон уруши давом этаётган кунларнинг бирида Англия бош министри Уинстон Черчилл учта юқори лавозимли раҳбар билан суҳбатлашиб турган чоғида кўнгли аллақандай нохушликни сезгандай бўлади. Шу маҳал ҳаво ҳужуми бошланади, аммо шунга қарамай тушлик давом этаётганди. Бош министр ошпаз ва хизматкорлар ишлаётган ошхонага боради. Черчилл ҳаммага ошхонани тарк этиб, бомбадан сақланадиган ертўлага тушишни буюради. Ўзи эса меҳмонлар ёнига чиқади. Орадан уч дақиқа ўтар ўтмас кучли портлашдан ошхонанинг кули кўкка совурилади.

Ички сезгиси Черчиллни яна кўп фалокатлардан сақлаб қолган. Унинг тунда мудофаа батареяларини айланиб кўрадиган одати бор эди. Кунлардан бир куни у зенит батареяларини айланиб кўргач, ўз автомобилига қараб юради. Машинанинг яқин эшиги очиқ турар, Черчилл ҳамиша шу эшик орқали машинасига ўтирар эди. Аммо бу гал у одатига хилоф равишда яқин эшикни қўйиб, кейинги — орқа эшикдан машинага чиқади. Орадан бир неча дақиқа ўтгач, автомобиль тунги Лондон кўчаларидан кетаётганда шундоққина ёнбошда бомба портлайди. Кучли зарбдан машинанинг Черчилл олдин ўтирмоқчи бўлган қисми дабдала бўлади.

Кейинчалик Черчиллнинг хотини бўлиб ўтган фалокат ҳақида сўраганда у аввалига нега ўшанда машинанинг бошқа томонидан ўтирганини ўзи ҳам билмаслигини айтади. Сўнг воқеага аниқлик киритиб, шундай дейди: «Ҳа, эсладим. Машинанинг очиқ эшигига келганимда, ички бир овоз «Тўхта!» деди. Буни мен машинани айланиб ўтиб, бошқа томонидан ўтириш кераклиги ҳақида берилган маслаҳат деб билдим ва шундай қилиб янглишмадим».

Хўш, у нега шундай йўл тутди? Сабаби оддий — у ички сезгисига қулоқ тутган, холос. Ҳаётий тажрибасига таянган ҳолда ички сезгисига ишониш мумкинлигини билган.

Қизиғи, бундай ғаройиб воқеалар биргина Черчилл ҳаётида бўлган эмас. Масалан, кунлардан бир куни А.Линкольн жуда ёрқин туш кўради. Тушида у йиғи товушини эшитади ва овоз келган томонга қараб юради. Оқ уйдан ўтиб, Америка байроғи билан ёпиб қўйилган тобутни кўради. Линкольн аскардан ким ўлганини сўрайди. «Бу — Линкольн, — дея жавоб қилади аскар, — уни ўлдирдилар».

Орадан бир неча кун ўтгач, Линкольн ёлланган қотил отган ўқдан ўлади. Унинг кўрган туши башорат бўлиб чиқади.

Айрим давлат арбоблари муҳим қарорлар қабул қилишда ички сезгисига таяниб иш тутсалар, бошқалари илоҳий бир қудрат таъсирида эканликларига ишонганлар. Президент Рейганнинг хотини Нэнси Рейган мунажжимларга астойдил ишонган. Ёшлигида, Голливуд фильмларида суратга тушиб юрган чоғларида мунажжимлар билан тез-тез маслаҳатлашиб турган ва ўзи ҳам илми нужумдан сабоқ олган. Эри, актёр Рональд Рейган хотинининг маслаҳатларига оғишмай амал қилган.

ИНСОНИЯТ НЕЧА ЁШДА?

Башариятнинг пайдо бўлганига неча йил бўлган? Бу савол узоқ йиллардан буён олимларни қизиқтириб келади. Ҳозирги кунга қадар одамзоднинг аждодлари Африкада бундан камида 3,6 миллион йил муқаддам пайдо бўлган, деб ҳисобланарди.

Аммо бу тахминларни шубҳа остига олувчи далиллар топилди. Эфиопияда текшириш ишларини олиб бораётган халқаро экспедиция томонидан очилган янгилик тасдиқланса, инсониятнинг «ёши» тўғрисидаги тасаввурлар бутунлай ўзгариб кетиши мумкин. Айрим олимларнинг хабарларига кўра, лава қатламидан қадимий одамнинг суяклари топилган. Ҳозир ана шу суякларнинг ёши 4 миллион йил деб тахмин қилинмоқда.

МУШУКЛАР ЖАЗНИ ЁҚТИРМАЙДИ

Одамзод энг қадимги даврданоқ қўлга ўргатган уй жонивори — мушукни ҳаммамиз яхши биламиз. Аммо мушукнинг биз билмаган бошқа хислатлари ҳам бор экан. Францияда чиқадиган «Матэн» газетасининг ёзишича, мушуклар мумтоз мусиқани жон қулоғи билан севиб тинглашар экан. Айниқса, уларга Моцарт ва Вивалди яратган мумтоз асарлар жуда ёқаркан.

«Мушук қулоғининг 27 рецептори, — дея таъкидлайди «Матэн» газетаси, — табиий равишда оҳанг қабул қилишга лаёқатли. Улар ёрдамида мушуклар ўз ўлжасининг билинар-билинмас қимирлашини, майсаларнинг енгил тебранишини ва яна бошқа жуда кўп нозик товушларни ҳам илғай олиш қобилиятига эга». Уларнинг эшитиш қобилияти одамларга нисбатан уч баравар кучли экан. Шу сабабдан эшикнинг бирдан ёпилиши ёки қаттиқ шовқин энг ювош мушукни ҳам чўчитиб юборади.

«Агар сиз мушукнинг чўчишини истамасангиз, — деб ёзади «Матэн» газетаси, — Моцарт ёки Вивалдининг фортепянода ижро этилган асарларини харид қилинг. Мушуклар бу мумтоз куйларни жуда яхши кўрадилар. Уларнинг бу мусиқаларга нисбатан майли зўр. Лекин ҳеч қачон мушукларни жазни эшитишга мажбур эта кўрманг».

(Давоми бор)
Шодмон ОТАБЕК тайёрлади.

Qilmish-qidirmish

Миси чиққан уйдирма

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Ҳуқуқбузарга нисбатан маъмурий жазо чорасининг кучайтирилгани кучли фуқаролик жамияти барпо этилаётган мамлакатимизда инсоннинг шаъни, қадр-қимматини асраш, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳар қандай тажовузлардан ҳимоялаш алоҳида эътиборда эканлигини кўрсатади.

Аслида туҳмат била туриб ёлғон гапиришдан иборат. Туҳмат гапни тарқатувчи — уйдирмачи ўзи бераётган маълумотларнинг ҳақиқатга тўғри келмаслигини яхши билади. Бироқ бу кўролмаслик, ўч олиш, ўзганинг шаънини таҳқирлаш каби баҳоналар билан содир этиладиган ҳуқуқбузарликдир. Уйдирмадан иборат туҳмат гўёки рўй берган воқеани ҳеч бўлмаганда битта шахсга маълум қилишдан иборат. Бундай маълум қилиш ёзма ёки оғзаки шаклда бўлиши мумкин.

Мисол учун ҳуқуқбузар Х.Қўлдошев (исм-фамилиялар ўзгартирилди) Гулноза исмли аёлга «сен ёмон аёлсан, нима ишлар қилиб юришингни мен биламан», деб унга туҳмат қилади.

Очиқ суд мажлисида ҳуқуқбузар Х.Қўлдошевга оид маъмурий иш кўрилаётганда ҳаммаси ойдинлашди. Х.Қўлдошев айбини тан олди. У аёлга туҳмат қилгани, бунга ўша куни спиртли ичимлик ичгани сабаб бўлганига иқрор бўлди. У аёл ҳақида ҳеч қаерда ёмон гап эшитмаганини айтиб, қилмишидан пушаймонлигини баён қилиб, суддан енгиллик сўради.

Суд ҳуқуқбузар Х.Қўлдошевга жазо тайинлашда ҳуқуқбузарлик ҳаракатига иқрорлиги, яшаш жойидан ижобий тавсифлангани, муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилмагани, қилмишидан пушаймонлигини инобатга олди. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 40-моддаси билан маъмурий ҳуқуқбузар, деб топиб, унга жарима жазоси тайинлади.

Қисқаси, адолатли қонунларимиз ҳар бир инсоннинг шаъни, қадр-қимматини ҳар қандай тажовузлардан ҳимоя қилади. Шу маънода туҳматнинг умри қисқа, уни тарқатган уйдирмачига эса жазо муқаррардир.

Акбар МЎМИНОВ,
Бахмал тумани

Jinoyatga jazo muqarrar

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

У.Ботиров бу гаплардан мурод нелигини кўп ўтмай англади. Гап шундаки, Қилич шериклари учун «Карвон» бозоридан дўкон ижарага олиш ниятида келган экан. Энг ажабланарлиси, буни ҳал этиш Усмон аканинг зиммасига юклатилибди. Қ.Бердиев ҳе йўқ-бе йўқ, «Менинг суянадиган акахонларим бор, ишимни бажармаганлигингиз уларнинг қулоғига етиб борадиган бўлса, оқибати яхши бўлмайди», дея қўшиб қўйди.

Усмон Ботировнинг «Бу оғизда битадиган иш эмас, ижара шартномасини тузиш учун банкда ҳисоб рақами очиш лозим, хусусий тадбиркорлик фаолияти юритишга рухсат берувчи патентингиз бўлиши керак», деган тушунтиришларини у эшитгиси ҳам келмади. Аксинча, «Тезда яна келаман, ака, ишимизни ҳал қилиб берсангиз, ўзингизга яхши», дея дўкондан чиқиб кетди.

Чиндан ҳам, бу зўравон кўп куттирмади. Орадан учтўрт кун ўтиб у ўзига ўхшаш яна иккита давангирдай йигитни эргаштириб келди. Уларнинг даъвоси энди янада каттарган эди. Қилич аввал битта дўконни ижарага берасан, деган бўлса, энди нақ учта дўкон сўради. Устига-устак, Қ.Бердиев «Ўғлимнинг суннат тўйини қилмоқчиман, шунга озиқ-овқатига ёрдам берасиз», деди сурбетлик билан.

Бошига тушган бу кутилмаган ташвишлардан ҳайрон бўлган Усмон ака бир кўнгли ҳуқуқ-тартибот идорасига хабар бермоқчи ҳам бўлди. Аммо Қилич аввалги келганидаёқ «Агар бировга айтадиган бўлсангиз, ўзингиздан кўринг!» — дея огоҳлантирган эди.

Шу боис тинчгина уларнинг айтганини қилиб, қутулишни хоҳлаган Усмон ака ўша куни 354 минг сўмни бош-кўзидан садақа қилди.

Қарангки, бу билан ҳам уларнинг нафси қонмади. Аксинча, улар мазахўрак бўлиб қолишди. Орадан ўн кунча ўтиб Қилич Бердиев укаси Салим Бердиев ва Ғофир исмли яна бир танишини эргаштириб, Усмон аканинг дўконига кириб келди.

Усмон ака уларни кўриши билан пешонаси тиришди. Шуни сезганми, Қилич гапни яна ўзининг казо-казо «акахон»лари борлигидан бошлади. Аслида, бу писандалар шунчаки мақтаниш эмаслигини, балки уларнинг замирида «Ким билан гаплашаётганингни билиб қўй», деган дўқ борлигини Усмон ака тушуниб турарди. Шунинг учун у яна индамай Қиличнинг талабларига жимгина қулоқ тутди.

Буни қарангки, бу йигитда орият, мардлик деган туйғулардан асар ҳам йўқ экан. Йўқса, ҳамтовоқларини эргаштириб келиб, Усмон акага «Бизга тушлик олиб берасан, туфлига пул тўлайсан, шим оламан, пули сендан», дермиди?

Усмон ака шунча харажат қилган бўлса-да, бироқ Қиличнинг асосий «талаби» ҳали бажарилмаган эди. Қилич эса буни «очиқ» қолдиришни истамасди. Шу боис у ҳамтовоғи Ғофир билан навбатдаги «ташрифи»да кела сола айтганини қилмагани учун Усмон акани ҳақоратлашга тушди. У жаҳлига зўр бериб, қўлига тушган нарсани отиб, синдира бошлади...

Шовқин-сурондан ташвишланиб Усмон аканинг олдига кирган Комил Пардаев (У.Ботировнинг дўконига қўшни дўкон эгаси) бу воқеаларни кўргач, ҳуқуқ-тартибот идораси ходимларига хабар берди. Буни билган Қилич билан Ғофир қочиб қолишди. Аммо «Бузоқнинг югургани сомонхонагача», деганларидай, улар қонун таъқибидан қутулиб кетишолмади.

Судда барчасига ойдинлик киритилди. Жиноят ишлари бўйича Учтепа тумани судида Қ.Бердиев, С.Бердиевга оид жиноят иши кўриб чиқилди. Жиноят кодексининг 165-моддаси 2-қисми «в» банди билан айбланган Қ.Бердиев товламачилик жиноятини бир гуруҳ шахс бўлиб содир этгани учун тегишли тартибда жазога тортилди. С.Бердиев ҳам Жиноят кодексининг 165-моддаси 2-қисми «в» бандида кўрсатилган жиноятни содир этгани учун айбли топилди ва унга нисбатан қонуний жазо белгиланди.

Донишмандлардан «Кучли инсон ким?» — деб сўрашганида, «Ўзининг кимлигини англаган инсон», — дея жавоб беришган экан. Чиндан ҳам, ўзлигини таниган киши бировга жабр қилмайди, манманликка берилмайди. Бу ҳақиқатни англаб етмаган ҳикоямиз «қаҳрамонлари» эса ўзларининг кучларига ортиқча баҳо бериб, кўнгли истаган ишни қилмоқчи бўлишди. Ҳолбуки, жисмонан баркамоллик маънавий юксаклик билан уйғунлашгандагина инсонийлик касб этади.

Мирғани МИРЗОҲИДОВ,
жиноят ишлари бўйича Учтепа тумани судининг раиси
Отабек САФАРОВ,
«Куч — адолатда» мухбири

КУЧ—АДОЛАТДА

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Бўритош МУСТАФОЕВ
Олимжон ИСМАИЛОВ
Шерали РАҲМОНОВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Нуриддинжон ИСМОИЛОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Муҳаммад АЛИ
Омонбой ОҚЮЛОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Дилбар СУЮНОВА
Масардин ҲАСАНОВ
Юлчибой ТУРСУНБОЕВ
Шоюнус ҒОЗИЕВ
Баҳриддин НАИМОВ

Навбатчи муҳаррир
Алибек ЭРГАШЕВ

Саҳифаловчи
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1.
E-m@il: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: 239-02-54, 239-02-55

Буюртма: Г-218. Қоғоз бичими: А-2. Сотувда эркин нархда. Адади: 8865. 1 2 4 5 Топширилди: 22⁰⁰